



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
3-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 3-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:
и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

**Бош муҳаррир
ўринбосари:**
профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:
профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:
Ф.А.Сафаров
Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:
А.Н.Холиқулов

Корректор:
С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:
Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

**Ўзбекистон худудида
тарқатилади.**

Таҳририят манзили:
140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темур кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,
+998(66)233-17-88

факс: +998(366)231-12-53
эл.почта:

samisiservis@inbox.uz

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика қўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМШИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудири, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори в.б., и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудири, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

Шермухаммад Бекмурод ўғли Омонов Хизмат кўрсатиш соҳасида давлат-хусусий шерикчилигининг ривожланиш хусусиятлари ва тамойиллари	79
Mohira Asqarboy qizi Umurova Хизмат ko'rsatish tarmoqlarining iqtisodiyotda tutgan o'rni hamda rivojlantirish istiqbollari	83
Ислом Исмоилович Эргашев Хизмат кўрсатиш корхоналари инвестицион жозибадорлигини баҳолашнинг хусусиятлари	86
Jahongir Aktamovich Haydarov Transport xizmatlaridan foydalanish samaradorligini oshirish	91
ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИГИ	
Илёс Султанович Абдуллаев, Шоҳижаҳон Худоёр ўғли Мухитдинов Минтақа туризмида соҳа корхоналарининг бошқариш сегментининг нисбий талаб-таклиф модели	97
Dilmurod Abdullayevich Nasimov, Mohinur Ravshanbekovna Maxmudova Turizm sohasini barqaror rivojlantirishning asosiy yo'nalishlari	102
Ruxshona Shavkatovna Rofeyeva Samarqand shahri turizm infratuzilmasini rivojlantirishda yashil zonalar va bog'larning o'rni	105
Shohista Bobobekovna Toyirova Ekoturizm-global ekologik inqirozga qarshi innovatsion yechim	109
Дилшод Мураткулович Абдураимов Туризм инфратузилмасида иқтисодий фаолиятнинг ривожланиш хусусиятлари	113
Умиджон Рахимович Матякубов, Расулбек Кочкарбай ўғли Исаков Хива ва Боғот туманларида туризмни ривожлантириш имкониятларидан самарали фойдаланиш йўллари	118
Дониёр Журакулович Абдуразаков Қишлоқ туристик ресурсларини таснифлаш ва бошқаришнинг амалий масалалари таҳлили	122
Dilrabo Shirinboyevna Mardonova Mamlakatimizda mehmonxona biznesining rivojlanish tendensiyalarini tahlil qilish va prognozlash	126
Амриддин Ҳамдам ўғли Ҳамдамов Туризм соҳасида юқори сифатли хизмат кўрсатиш учун рақамли технологиялардан фойдаланишни баҳолашнинг услубий асослари	131
Зебинисо Бахтиёровна Навруз-зода “КРП” воситасида муқаддас жойларнинг зиёрат кластербоплик даражасини баҳолаш	135
Сирожиддин Шерали ўғли Халилов Миллий туризм тармоғида рақобат муҳити ва унинг таркибий элементлари	140
КИЧИК БИЗНЕС ВА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК	
Гулнора Мардиевна Шадиева, Шухрат Облокулович Кувандиқов Миллий иқтисодиётда оилавий тадбиркорликнинг ўзига хос функциялари	145
МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ	
Raxmatillo Mirolimovich Egamov, Sherzod Norboyevich Jumanov, Alisher Zokirovich Saydirasulov Innovatsion tadbirlar asosida qurilish mahsulotlarining raqobatbardoshligini oshirish uchun marketing tadqiqotlarini o'tkazish usullari	149

<p>Д.Абдураимов</p> <p>Особенности развития хозяйственной деятельности в инфраструктуре туризма</p> <p>Аннотация: В статье изучены основные факторы и характеристики хозяйственной деятельности в инфраструктуре туризма, классификация туристских расходов по периодам осуществления и характеристикам, производственные возможности в сфере туризма и методы определения валового туристского продукта.</p> <p>Ключевые слова: туризм, туристическая инфраструктура, индустрия туризма, туристические расходы, туристические услуги, туристские товары, валовой туристский продукт.</p>	<p>D.Abduraimov</p> <p>Features of the development of economic activity in the tourism infrastructure</p> <p>Abstract: The article studies the main factors and characteristics of economic activity in the tourism infrastructure, the classification of tourism expenditures by periods of implementation and characteristics, production capabilities in the tourism sector and methods for determining the gross tourism product.</p> <p>Keywords: tourism, tourism infrastructure, tourism industry, tourist costs, tourist services, tourist goods, gross tourist product.</p>
---	--

Умиджон Рахимович Матякубов – Урганч давлат университети, Менежмент ва маркетинг кафедраси мудири, и.ф.д

Расулбек Кочкарбай угли Исаков – Урганч давлат университети, Туризм ва меҳмонхона хўжалигини бошқариш кафедраси ўқитувчиси

ХИВА ВА БОҒОТ ТУМАНЛАРИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада Хоразм вилоятининг Хива ва Боғот туманларида туризм соҳаси ривожланишининг бугунги ҳолати таҳлили, истиқболда ривожлантиришнинг устувор йўналишлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: туризм, турист, туристик ресурс, туристик маршрут, туристик маҳсулот, меҳмонхона, экотуризм.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизнинг ҳар бир ҳудудидига ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сонини кўпайтириш, туристларни қолиш муддатларини ошириш, шунингдек, туризм индустриясини барқарор ривожлантириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Бунинг учун мамлакатимиз ҳудудларида туристик потенциалдан самарали фойдаланиш, мавжуд туристик объектларни аниқлаш, улар асосида туризм маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва янги турмаршрутларни шакллантириш талаб қилинади.

Хоразм вилояти мамлакатимизнинг муҳим туристик марказларидан бири ҳисобланиб, хорижий туристлар ташрифи бўйича Самарқанд ва Бухоро вилоятларидан кейинги ўринларда туради. 2022 йилда вилоятга ташриф буюрган жами туристлар сони 1 625 945 нафарни ташкил қилиб, ўртача ҳисобда 126 та хорижий давлатдан 137 462 нафар хорижий сайёҳлар, 1 488 483 нафар маҳаллий сайёҳлар ташриф буюрган [1]. Вилоятга ташриф буюраётган аксарият хорижий ва маҳаллий сайёҳлар қадимий Хива шаҳрига саёҳатларини амалга оширмақдалар. Аммо, вилоятининг Боғот, Хозарасп, Янгиариқ, Шовот, Хонқа ва Хива туманлари бой маданий-тарихий, зиёрат ва экологик туризм объектларига эга бўлиб, бугунги кунда улардан туризм мақсадларидан самарали фойдаланиш даражаси пастлигича қолмоқда.

Хусусан, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев туризм салоҳиятини ривожлантириш юзасидан 2023 йил 29 мартда ўтказган видеоселектор йиғилишида хорижий сайёҳларнинг Ўзбекистонда бир кун кўпроқ қолиши йиллик туризм экспортини 300 миллион долларга оширишни таъкидлаб, Хоразм вилоятида туристларнинг қолиш муддати - ўртача 2 кунни, сарфлайдиган маблағи 220 долларни ташкил қилиб, Бухоро, Самарқанд вилоятларига қараганда Хоразмда 2,5 баравар камни ташкил қилиши, аммо вилоятда сайёҳларни 3-4 кун олиб қолиш ва кунига 400–500 доллар харажат қилишлари учун барча имкониятлар мавжудлигини алоҳида қайд қилиб ўтди [2].

Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, бугунги кунда Хоразм вилоятининг юқорида

қайд қилиб ўтилган Боғот ва Хива туманларининг туристик салоҳиятидан самарали фойдаланган ҳолда, ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сонини кўпайтириш ва уларнинг вилоятда қолиш муддатларини узайтириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш муҳим зарурият ҳисобланади. Ушбу мақолада кабинет ва дала тадқиқотлари асосида Хоразм вилоятининг Хива ва Боғот туманларининг маданий-тарихий ва экологик туризм салоҳияти ўрганилиб, ушбу ҳудудларда туризмни ривожлантириш имкониятлари тадқиқ қилинди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Хоразм вилоятида туризм соҳасини ривожлантириш масалалари юзасидан маҳаллий олимлар ва тадқиқотчилар томонидан бир қатор тадқиқот ишлари амалга оширилган. Хусусан, Б.Рузметов [3] томонидан Хоразм вилоятининг Боғот туманида жойлашган Қалажиқ қалъа туристик мажмуаси, унинг туристик жозибадорлиги ва мажмуа инфратузилмаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Ш.Бахтияров эса Хоразм вилояти экотуристтик зоналарни ўз ичига олувчи Хива ақли туристик дестинациясида Боғот туманида “Қалъажик тузли суви” туристик-рекреацион кластерларини ташкил қилиш йўлларини тавсия қилган [4]. У.Матякубов [5] томонидан вилоятнинг баъзи туманларида маҳаллий сайёҳлар учун муқобил бўлган тиббий хизматларни ташкил қилиш имконияти тадқиқ қилиниб, Боғот туманининг Қалажиқ туз кўлида халқ табобатчилигини ривожлантириш ҳамда қишлоқ туризмни ривожлантириш имкониятлари тадқиқ қилинган.

Хоразм вилоятида туристик-рекреацион кластерларни шакллантириш имкониятларини ўрганилиб, бунда Хива туманида от ва туяларда сайр қилиш, табиий ва сунъий кўлларда балиқ овлаш ҳамда доривор ўсимликларни етиштириш, улардан фойдаланиб, соғлиқни тиклаш тизими йўлга қўйиш орқали экотуризмни ривожлантириш имкониятлари тадқиқ қилинган [6]. Хива тумани “Чинобод” қишлоғи “Хоразм миллий табиат боғи”да орнотологик экотуризм хизматларини ташкил қилиш, кумда волейбол ўйинларини ташкил қилиш, квадроциклда сайр қилиш хизматларини ташкил қилиш ва турли ҳил экологик аҳамиятдаги кўнгилочар масканлар фаолиятини йўлга қўйиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган [7]. Шунингдек, У.Р.Матякубов томонидан Хива туманида “Ғовук” туристик маҳалласида қишлоқ туристик кластерини шакллантириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган [8].

Аммо юқорида қайд этилган олимлар ишларида Хоразм вилоятининг айнан Боғот ва Хива туманларининг туристик имкониятлари, мазкур ҳудудларга хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилишнинг аниқ механизмлари очиқ берилмаган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, Хива ва Боғот туманларининг туристик имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда, вилоятга ташриф буюраётган сайёҳлар сонини ошириш ҳамда уларнинг қолиш муддатларини кўпайтириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотда иқтисодий ҳодисалар ва воқеалар жараёнларини ўрганишнинг кузатиш, умумлаштириш, таҳлилнинг мантиқий ва таққослама, қиёсий ва статистик таҳлил, кабинет ва дала тадқиқоти усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Тадқиқот жараёнида Хоразм вилояти Хива ва Боғот туманларининг туризм имкониятлари, туризм индустриясининг бугунги ҳолати ва аҳволи таҳлил қилинди. Хива туманида зиёрат ва тарихий объектлар сони 6 тани, экотуризм объектлари сони 3 тани, маданий кўнгилочар объектлар 3 тани ташкил қилади. Шунингдек, бугунги кунда туманда 32 ўринга мўлжалланган 1 та меҳмонхона, 10 ўринга мўлжалланган 1 та оилавий меҳмон уйи, 12 та санитория-гигиена шохобчалари, 3 та wi-fi нуқталари мавжуд. Боғот туманида зиёрат ва тарихий объектлар сони 2 тани, экотуризм объектлари сони 3 тани, маданий кўнгилочар объектлар 1 тани ташкил қилади. Шунингдек, бугунги кунда туманда 10 ўринга мўлжалланган 1 та меҳмонхона, 8 ўринга мўлжалланган 1 та оилавий меҳмон уйи, 8 та санитория-гигиена шохобчалари, 3 та wi-fi нуқталари ташкил қилинган.

Тадқиқот давомида Хива ва Боғот туманларига ташриф буюраётган хорижий ва маҳаллий сайёҳлар оқими таҳлил қилинди. 2022 йилда Хива туманига ташриф буюрган маҳаллий сайёҳлар 12000 нафарни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 6 мартага ошган.

2022 йилда Хива туманига ташриф буюрган хорижий туристлар сони 1200 нафарни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 4 баробар ошган. Шунингдек, 2022 йилда Боғот туманига ташриф буюрган маҳаллий сайёҳлар сони 1500 нафарни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 2,5 баробарга ўсган, айнан шу йили хорижий туристлар ташрифи 800 нафарни ташкил қилиб, 2021 йилга нисбатан 4 мартага ошганлигини кўриш мумкин (1-жадвал).

Хива ва Боғот туманларига ташриф буюрган сайёҳлар сонининг ўзгариш динамикаси [9]

Худудлар	Маҳаллий (сайёҳ)		Хорижий (сайёҳ)	
	2021	2022	2021	2022
Хива тумани	2000	12000	300	1200
Боғот тумани	600	1500	200	800

Тадқиқотлар жараёнида Хива туманида хорижий ва маҳаллий сайёҳларни жалб қилиши мумкин бўлган тарихий-маданий объектлар, жумладан, XVIII-XIX асрларга оид Шайх Мавлон бобо мажмуаси, 1913 йилда қурилган Мадрахим Шерозий уйи, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларига оид Отажон Тўра мадрасаси, 1846 йилда қайта таъмирланган Биби Хожар она мақбараси, XVIII аср охирларига мансуб Тош Масжид ҳовлиси ҳамда 1871 йилда қурилган Чодра ҳовли мажмуалари мавжуд эканлиги аниқланди. Шунингдек, туманда янги туристик маршрутлар ишлаб чиқиш мумкин бўлган Қора кўл, Эшон Равот, Валико плюс каби эко-агротуризм объектлар мавжуд.

Хоразм вилоятининг Боғот тумани ўзига хос туристик салоҳиятга эга ҳисобланади. Тадқиқотлар давомида Боғот туманининг муҳим тарихий-маданий туристик объектларига 3000 йилдан ортиқ тарихга эга бўлган Қалажиқ қалъа археологик ёдгорлиги ва Қалажиқ туристик мажмуалари ҳисобланади. Шунингдек, мазкур ҳудудда Қалажиқ туз кўли, Эшон туз каби экологик туристик объектлар, узум етиштиришга ихтисослашган агротуризм объектлари, Шайх Одинобобо каби зиёрат туризм объектлари мавжуд бўлиб, етарли даражада туризм мақсадларида фойдаланилмай келмоқда.

2023-2026 йилларда Хоразм вилоятининг Боғот туманидаги “Қалажиқ қалъа” МФЙда ташриф буюрувчи сайёҳларга қулайликлар яратиш орқали ташриф буюрувчи сайёҳлар сонини ошириш, Қалъажик қалъа” мажмуаларига саёҳат акциясини ташкил этиш, шунингдек, 2023-2024 йилларда Хива туманидаги “Ғовуқ” МФЙда туризм инфратузилмасини яхшилаш орқали туризм соҳасида 85 та янги иш ўрнини ташкил этиш, “Биби Хожар” мақбарасида зиёратчилар учун шароит яратиш каби чора-тадбирлар белгиланган [10].

Хулоса ва таклифлар. Хоразм вилоятининг Хива ва Боғот туманларида туризм салоҳиятини аниқлаш, мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш, ҳудудларга хорижий ва маҳаллий сайёҳлар ташрифини кўпайтириш асосий устувор вазифалар эканлиги тадқиқот жараёнида асосланди. Бизнинг фикримизча ушбу вазифаларни самарали амалга ошириш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

1. Хива ва Боғот туманларининг туристик объектлар жозибадорлигини ошириш мақсадида туризм соҳасидан манфаатдор томонлар билан сўровномалар ўтказиб, янги туристик йўналишларни ривожлантириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқиш зарур;

2. Хива тумани “Ғовуқ” маҳалласи ва Боғот тумани “Қалажиқ” маҳалласи (Қалажиқ туристик зонаси) маълумотлар базасига киритилган объектларнинг контентларини яратиш ва янгилаб бориш;

3. Боғот ва Хива туманларида туризмни ривожлантиришга қаратилган илмий-тадқиқот мавзулари банкни яратиш ва ушбу мавзуларни магистрант, таянч докторант, докторант ва мустақил тадқиқотчиларга илмий-тадқиқот мавзуси сифатида таклиф қилиш;

4. Боғот ва Хива туманларига туристлар оқимини янада ошириш ва университет имкониятларидан самарали фойдаланиш мақсадида Урганч давлат университети қошида туристик фирма ташкил қилишни таклиф қилиш;

5. Боғот ва Хива туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда университет кафедралари учун илмий лойиҳалар (грантлар) эълон қилиш;

6. Урганч Давлат университетининг туризм, меҳмонхона хўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш, тарих, археология, география, иқтисодиёт таълим йўналишлари талабаларини малакавий амалиётларини Хива ва Боғот туманларидаги маданий мерос ва туризм намоиш объектларида ташкил этиш;

7. Хива ва Боғот туманларидаги тарихий-маданий ёдгорликлар, меҳмонхоналар, кафе ва ресторанлар, туристик маршрутлар тўғрисида ахборот берувчи ва турли хизматларни жамлаган мобил иловалар яратиш;

8. Боғот ва Хива туманларидаги “Ғовук” ҳамда “Қалажиқ” туристик маҳаллалари аҳолиси учун туризм бизнеси, хизмат кўрсатиш ва сервис, экскурсия хизматларини ташкил қилиш ҳамда меҳмонхона хўжалиги бўйича ўқув курсларини ташкил этиш лозим;

9. Урганч давлат университети, вилоят туризм ва маданий мерос бош бошқармаси ҳамда маҳаллий туроператорлар билан ҳамкорликда 12 та тилда (рус, инглиз, француз, немис, араб, япон, хитой, ҳинд, испан, португал, корейс, малай) Хива ва Боғот тумани туристик салоҳиятини акс эттирувчи арзон туристик пакетларни ишлаб чиқиш;

10. Хоразм вилоятининг зиёрат туризмни ривожлантириш мақсадида Биби Хожар она, Огаҳий ва Мунис Хоразмий (Хива тумани), Одина Эшонбобо (Боғот тумани) каби зиёратгоҳларни ўз ичига олган зиёрат туризм маршрутларини шакллантириш;

11. Хива тумани “Ғовук” ҳамда Боғот тумани “Қалажиқ” туристик маҳаллаларида археологик, этнографик ва агротуризмни ривожлантириш мақсадида кишлоқ туристик кластерларини ташкил қилишни илмий асосланган таклифини ишлаб чиқиш;

12. Хива тумани Ғовук туризм кишлоғида «Хоразм нонлари», «Анор» ва «Гурвак» сайлларини уюштириш.

Юқорида келтирилган таклифларни амалга оширилиши Хоразм вилоятининг Боғот ва Хива туманларининг туристик жозибадорлигини оширишга, ҳудудларга маҳаллий ва хорижий туристлар оқимининг кўпайишига, маҳаллий аҳолининг туристик бизнес орқали даромади олишига замин яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларда Хоразм вилоятида туризм соҳасини комплекс ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 546-сонли Қарори. 2022 йил 28 сентябр

2. Хоразм вилояти туризм ва маданий мерос бошқармаси статистик маълумотлар тўплами. Урганч-2022 йил. 24 б.

3. <https://www.gazeta.uz/uz/2023/03/29/tourism/>

4. Рузметов Б., Бахтияров Ш. Хоразм вилояти ва Хива шаҳри туристик салоҳиятини юксалтириш стратегияси. // Минтақавий ривожланишнинг замонавий муаммолари. Коллектив монография. – Тошкент: Инновацион ривожланишнинг наشريёт-матбаа уйи, 2020.134-140-б.

5. Бахтияров Ш.Ш. Минтақада туристик-рекреацион кластерларни ташкил этиш асослари. // Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси. 2021. №12. - 194-197 б.

6. Матякубов У.Р. Хоразм вилоятида кишлоқ жойларида туризмни ривожлантириш имкониятлари. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2, март-апрель, 2018 йил.

7. Бахтияров Ш.Ш. Туристско-рекреационные кластеры как источник роста экономики региона. // Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси. 2021. №12. - 198-201 б

8. Матякубов У.Р. Минтақа туризм соҳасида янги хизмат турларини кенгайтиришнинг устувор йўналишлари// Хоразм Маъмун Академияси ахборотномаси. 2023. №1. - 148-152 б

9. Матякубов У.Р. Оролбўйи минтақасида туризмни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий ва методологик йўналишларини такомиллаштириш йўналишлари. Иқт. фан. док. (Dsc) диссертация автореферати – Урганч. 2022. - 71 б.

10. Хоразм вилояти Туризм ва маданий мерос бошқармасининг статистик маълумотлар тўплами. Урганч-2022.

<p>У.Матякубов, Р.Исаков</p> <p>Пути эффективного использования возможностей развития туризма в Хивинском и Багатском районах</p> <p>Аннотация: В данной статье представлен анализ современного состояния развития туризма в Хивинском и Багатском районах Хорезмской области, а также приоритетные направления развития сферы в будущем.</p> <p>Ключевые слова: туризм, турист, туристический ресурс, турмаршрут, турпродукт, гостиница, экотуризм.</p>	<p>U.Matyakubov, R.Isakov</p> <p>Ways of effectively using tourism development opportunities in Khiva and Bogot districts</p> <p>Abstract: This article presents an analysis of the current state of tourism development in the Khiva and Bogot districts of the Khorezm region, as well as the priority areas of tourism development in the future.</p> <p>Keywords: tourism, tourist, tourist resource, tour route, tour product, hotel, ecotourism.</p>
--	--

Дониёр Журакулович Абдуразаков – “Ипак йўли” туризм ва маданий мерос халқаро университети докторанти

ҚИШЛОҚ ТУРИСТИК РЕСУРСЛАРИНИ ТАСНИФЛАШ ВА БОШҚАРИШНИНГ АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Мақола юртимиз қишлоқларининг туристик салоҳиятини ривожлантириш ва бошқариш масалаларига бағишланади. Мақолада туристик ресурсларни таснифлаш, қишлоқларда туристик бизнес учун шарт-шароитлар яратиш ва бошқариш ҳақида сўз юритилади.

Калит сўзлар: туризм, туристик ресурс, қишлоқ туризми, туризм маҳалласи, туризмни бошқариш, маданий мерос, табиий ресурслар

Кириш. Юртимизда туризм тараққий этиб секин-аста қишлоқларга кириб бормоқда. Бу эса мавжуд туристик ресурслардан унумлироқ фойдаланишни талаб қилади. Туристик ресурсларнинг мамлакат бўйлаб тарқалиши ва тақсимланиши турлича бўлиб, ҳар бир ҳудуд ўзига хос салоҳиятга эга. Қишлоқларда туризмнинг ривожланиши тадбиркорликнинг янги йўналишлари ва қўшимча иш ўринлари яратилишига ижобий таъсир кўрсатади. Шу сабабдан, қишлоқларда мавжуд туристик ресурсларни муҳофаза қилиш, улардан тўғри фойдаланиш ва бошқариш алоҳида долзарблик касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Туристик ресурсларни тадқиқ этган олимлар бу мавзуга турли жиҳатдан ёндошиб, уларни турли белгилар бўйича таснифлашган ва таърифлар беришган. Хусусан, юртимиз олимларидан М.Қ. Пардаев, Р. Ҳайитбоев, М. Р. Болтабаев, И.С. Тухлиев, Б.Ш Сафаров, С.А. Абдуҳамидов, И.С. Тухлиев, Н.Т. Тухлиев, А.С. Солиев, М.Р. Усмонов, Б. Тураевларнинг, рус олимларидан В.Г. Гуляев ва Е.Я. Лебедьколарнинг ҳамда чет эллик олимлардан Les Killion каби олимларнинг берган таърифлари алоҳида эътиборга моликдир.

Туристик ресурсларни таснифлаш бўйича тадқиқот олиб борган олимлардан Н. Ибодуллаев¹ шундай таъкидлайди: “туристик ресурсларнинг таснифи бўйича мамлакатимиз олимлари, жумладан, М.Қ. Пардаев, И.С. Тухлиев, Н.Т. Тухлиев, А.С. Солиев, М.Р. Усмонов ва Б. Тураевлар ўз асарларида қисман тўхталишган бўлиб, улар асосан мамлакатимизнинг туристик салоҳиятидан фойдаланиш масалаларига эътибор қаратишган. Аммо туристик ресурсларнинг таснифи бўйича алоҳида тадқиқотлар олиб боришмаган”.

Шу билан бирга, Н. Ибодуллаев ресурсларни таснифлашга туристик хизматни ташкил этиш жиҳатидан ёндошиб, иккита асосий катта ва уларнинг таркибига кирувчи кичик гуруҳларга ажратади:

¹ Ибадуллаев Н. Э. “Туристик ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш имкониятлари” PhD илмий даражаси учун тайёрланган диссертация.

ISSN 2091-5187

∞ “СЕРВИС” ∞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

07.09.2023 йилда теришга берилди. 22.09.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табоғи 15,76. Ҳисоб-нашриёт
табоғи 13,6. Адади 100 нусха. Буюртма № 0074А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023